



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 4 АВГУСТ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 151 (12.712)

Баҳоси эркин нарҳда

23
O'ZBEKISTON

КОРД МАЙЕР-КЛОДТ: «ЎЗБЕКИСТОННИ КЎРИШГА БЎЛГАН АЗАЛИЙ ОРЗУИМ ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНДИ»

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё бўйича вакили Корд Майер-Клодт билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувдан сўнг «Жаҳон» АА мухбири германиялик дипломат билан суҳбатлашди.

— Аввало, ГФР ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари бўйича сиёсий маслаҳатлашувларни ўтказиш учун бу ерда эканлигимдан мамнуният билдиришни истар эдим, — деди у. — Бу мамлакатингизга амалга оширган биринчи ташрифимдир. Юртингизни кўришга бўлган азалий орзуим бугун ҳақиқатга айланди.

Ўзбекистон Германиянинг Марказий Осиёдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги энг муҳим шериги саналади. Биз икки томонлама муносабатларнинг юқори даражасига эришдик, аммо мамлакатларимиз уларни янада ривожлантириш учун жуда катта саълохиятга эга. Ташрифимдан кўзланган мақсадлардан бири ҳам бу борадаги таклифларимни билдиришдир.

Маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар биз учун алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Ёш авлод дунёда бугун кечаётган ва келажакда содир бўлиши мумкин бўлган воқеалар жараёнини англаши зарур. Шунинг учун биз немис тилини ўқитиш доирасида ва умуман ушбу йўналишдаги ҳамкорлик бўйича ёрдам кўрсатиш учун барча саъй-ҳаракатни амалга оширишга тайёرمىз. Бугун Ўзбекистонда 400 мингдан зиёд киши немис тилини ўрганади ва мазкур тилда сўзлашиши бизга мамнуният бағишлайди. «Инглиз тилини ҳамма билиши керак, аммо немис тили бирон нарсага эришнини истаганлар учун муҳимдир», деб бежиз айтишмайди.

Хавфсизлик соҳаси ҳамкорлигимизнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. 12 йилдан бундан аввалроқ етти келадиган узоқ муддатли ва ишончли ҳамкорлик учун ўзбекистонлик шерикларимизга миннатдорлик билдирамиз. Биз бундай алоқаларни келажакда ҳам давом эттириш ниятидамиз. Икки томонлама муносабатлар доирасида бу жабҳани кенгайтиришимиз зарур, деб ҳисоблаймиз. Барчамиз кўриб турганимиздек, дунё соддалашиб бораётгани йўқ, муаммолар эса камаймаяпти. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг кўпгина давлатларида инқирозлар кузатилаётганда. Бу нафақат Европа, балки бошқа минтақаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Шу сабабли Марказий Осиёда ишончли ва синовдан ўтган шерикларга эга бўлиш биз учун муҳим аҳамият касб этади.

Сўзимнинг якунида Ўзбекистон халқини мамлакат мустақиллигининг яқинлашиб келаятган 23 йиллик байрамни муносабати билан қўллар эканман, сизларга тинчлик, бахт-саодат, фаровонлик ва омад тилайман.

«Жаҳон» АА



МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



Мустақиллигимизнинг 23 йиллик қўлғуси санаси арафасида пойтахтимизнинг ҳар бир гўшасида амалга оширилаётган ўзига хос бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, замонавий бино, кўприкларни кўриб, ҳайрат ва ҳавасингиз ортади. Жумладан, Мирзо Улуғбек тумани ҳам энг улғу ва энг ази байрамни барча соҳаларда муносиб ютуқлар билан қўлиб олиш тараддудида.

Туман 1932 йил ташкил топган бўлиб, 1992 йил 8 май куни Мирзо Улуғбек номи берилган. Худуди 36 кв.кмни ташкил этади. Тумандаги 52 та маҳаллалардаги аҳоли аҳил ва иноқ истиқомат қилиб келмоқда.

Бугунги кунда туманда 30 та маҳалла гузари, 27 та илмий-текширув институтлари, 5 та олий ўқув юрти, 32 та умумтаълим мактаби, 11 та коллеж, 3 та лицей, 3 та спорт мактаби, 24 та спорт комплекслари, 25 та соғлиқни сақлаш муассасалари, Тошкент олий ҳарбий умумқўшни кўмон-

донлик билим юрти, ИИБ ва Қуролли Қучлар академияси, кўплаб саноат корхоналари фаолият юритмоқда. Туманда 2014 йил биринчи ярим йиллик якуни бўйича кўрсаткичларининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан саноат маҳсулотлари ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш, пудрат-қурилиш ишлари, чакана савдо айланмаси, жами хизматлар, пуллик хизматларнинг сезиларли

(Мирзо Улуғбек туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳада бўлгани каби банк-молия тизимида ҳам барқарор ўсиш суръатларига эришилмоқда. Хусусан, банк тизими капиталлашувини ошириш бўйича амалга оширилган мақсадли чора-тадбирлар туфайли банклар жами капитали охириги беш йилда 3,5 баробар, 2013 йилда 2000 йилга нисбатан 46 баробар кўпайди.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз молия бозорида янги муаммоларни юзасига келтирди. Инқироз шароитида аксарият ривожланган давлатларда қайтарилмайдиган ва муддати ўтган кредитлар муаммоси чуқурлашиб бормоқда. Натижада тижорат банклари бўлажак йўқотишларни инобатга олган ҳолда, ўз маблаг ҳисобидан тегишли захиралар миқдорини оширишга мажбур бўлмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида амалга оширилаётган бозор ислохотларининг суръати ва мантикий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилиш вазифаси белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги қонуни шулар жумласидандир. Мамлакатимизда банк хиз-

матлари инфраструктурасини такомиллаштиришга йўналтирилган мазкур қонун 2013 йил 23 октябрда қабул қилиниб, жорий йилнинг 1 июлидан қучга кирди.

Мазкур ҳужжатда гаров реестрини ҳисобга олишнинг ягона базасини яратишга доир ҳуқуқий механизмлар белгиланган бўлиб, улар гаровга қўйилган мол-мулкни ҳисобга олиш, уни ғайриқонуний равишда реализация қилиш ёки бошқа шахсга беришнинг олдини олиш учун асос бўлиб хизмат қиладди. Шунингдек, кредитлар ажратишни кенгайтириш, мол-мулкдан таъминот сифатида фойдаланиш ва тижорат банклари таъминотга олган мол-мулк асосида кредит хавфини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишда қўл келади. Бу молия бозорида мижозларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини юксалтириш ва рақобатни қучайтиришда муҳим омилдир.

(Давоми 2-бетда)

XXI саҳоси
Барча манбалардан
олинган сўнгги
хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бухорода «Ўзбекистонда миллий сайлов қонунчилигининг янада демократлашуви» мавзусида семинар ўтказилди. Унда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг раислари ва уларнинг ўринбосарлари, котиблари, маҳаллий ҳокимликларнинг ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари иштирок этди.

• Наманганда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумтаълим ишчи ва хизматчилари ўртасида ўтказилаётган «Энг намунали бошланғич ташкilot» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

• «Ўзавтотеххизмат» акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар ишчи ва хизматчилари ўртасида ўтказилаётган «Йил устаси – 2014» кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичи ўтказилди. Танлов иштирокчилари «Матиз», «Дамас», «Нексия» ва «Ласетти» русумидаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, уларнинг юриш, электр қисмлари ҳамда двигателини кўрикдан ўтказиш, носоз қисмларини таъмирлаш бўйича ўз малакасини намоиш этди.

• Гулистондаги «Алпомиш» спорт мажмуасида «Отам, онам ва мен – спортчи оила» спорт мусобақасининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда ота-она ва 12 ёшгача бўлган бир ўғил, бир қиздан иборат ўн олти жамоа иштирок этди.

• Соғлом бола йили муносабати билан Нурота туманида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чораги давомида умумтаълим мактабларининг қарийб 13 минг ўқувчиси, мактабга таълим муассасаларининг 1400 нафарга яқин тарбияланувчиси чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий кўрик натижаларига кўра аниқланган турли даражадаги касалликлар бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилиб, сифатли тиббий хизмат кўрсатилди.

ЖАҲОНДА

• Болгариянинг Мизия шаҳрида сув тошқинлари натижасида фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Гап шундаки, кучли ёмғир қуйиши оқибатида Скат дарёсининг сатхи уч метрдан юқорига кўтарилди ва дарё суви қирғоқдан ташқарига чиқиб кетди.

• Хитойнинг Юньнань музофотида рўй берган кучли зилзила оқибатида 381 киши ҳаётдан кўз юмди, 1,9 минг киши тан жароҳатлари олди. Зилзиладан 265 минг киши истикомат қилувчи Лудян аҳоли пункти айнаиска кўпроқ жабр кўрди.

• Индонезиянинг Суматра оролида камида тўқсонга ўрмон ёнғинлари рўй берди. Ёнғинлар асосан Риау музофотида қайд этилган.

• Жанубий Африкада Эболи безгакнинг кенг тарқалиши қалтис вазиятни юзасига келтирмоқда. Айниқса, Гвинеяда ушбу хавfli касаллиكنинг кўп қайд этилганлиги боис Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкilotи раҳбари бу ерга келиб мавжуд аҳвол билан танишди. Ҳозирда безгак эпидемиясининг олдини олиш мақсадида жаҳоннинг турли мамлакатларидан йирик вирусолог мутахассислар Гвинеяга ташриф буюрмоқда.

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ФУҚАРОЛИК** жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тош-

кент шаҳар ҳудудий бўлинмасида «Сайловларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

✓ **БУГУН** Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти-

да «Ракат» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан биргаликда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севи ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 43-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб «Соғлом танда – соғ ақл» спорт мусобақаси ташкил этилди.



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар негизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш масалалари мужассамдир.

Тиббиёт

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАШМОҚДА

Дарҳақиқат, ёш авлодни соғлом ва қимматли инсон қилиб вояга етказиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, оналик ва болаликни тиббий-иқтисодий муҳофаза қилиш мамлакатимиз сийёсатининг устувор йўналишларидандир.

Тумандаги 5-сон шахар болалар клиник шифохонасининг жонқуяр ходимлари — 30 нафар олий тоифали шифокор ва 130 нафар ҳамширалар оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида жонбозлик кўрсатиб келишмоқда. Бу ерда асосан муддатидан олдин туғилган чақалоқларнинг соғлиқлари тикланади, юқори на-

фас йўллари билан ялғиланган 3-4 ёшгача бўлган болалар даволанишади. Шу билан бирга оналари ҳам ҳар томонлама текширилиб аниқланган ҳасталикларга даво олишади.

— Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди. — дейди шифохонанинг акушер-гинеколог, маънавият ва маърифат учун масъул ходими Дилноза Эшонбобоева. — Ҳар бир оилада, айниса, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва шакллантириш

муҳим аҳамиятга эга. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида оилада меҳр-қибат ва ўзаро ҳурмат муҳити, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни барқарор қилиш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш каби вазифалар белгиланган. Бизнинг шифохонамиз 2011 йилда қайта таъмирланиб, замон талабларига жавоб берадиган янги тиббиёт жойлашлари, анжомлари билан таъминланди.

Шифохонамизда маънавият ва маърифатга оид йиллик иш режаси ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда фаолият олиб боришмоқда. Ҳафтанинг ҳар жума кунлари ўтказиладиган маънавият соатларида Президентимизнинг асарларининг мазмун-моҳияти ҳақида, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси жиноятларининг домига тушишдан эҳтиёт бўлиш тўғрисида маърузалар қилинади. Турли хил савол-жавоблар ўтказилишмоқда.

Тиббиёт масканидаги ўз касбининг жонқуярлари кечаю кундуз болажонлар саломатлиги йўлида хизмат қилиб келишмоқда. Бу хайрли ишларида ҳормай-толмасликларига тилақдошимиз.

ОБОДЛИК МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Юрт тинчлиги ва ободлиги маҳалладан бошланади. Маҳаллада инсонлар бир-бирига суяниб, аҳил ва иноқ яшайдилар. Истиқлол йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ қўллаб-қадриятлар, миллий анъаналаримиз қайта тикланиди.

Туманда 52 та маҳалла мавжуд бўлиб, сўлим масканда жойлашган «Оққўрғон» маҳалла фуқаролар йиғинида байрамга тайёргарлик ишлари қизғин кечаётганига гувоҳ бўлдик.

«Оққўрғон» маҳалласи 1963 йилда ташкил топган бўлиб, 55 та кўп қаватли уй, 553 та яқка тартибдаги ҳовиллардан иборат. Маҳалла ҳудудидида 7864 нафар аҳоли, 4020 та оила истижомат қилади. 30 дан ортиқ миллат вакиллари ҳамжиҳатликда, тинчлик-хотир-жамликда яшаб келмоқда.

— Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги байрамига йил бошидан тайёргарлик қўриб, режа асосида иш олиб боришмоқда. — дейди маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раъно Ходжаева. — Ҳудудимизда ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш ишларига катта эътибор қаратишмоқда. Маҳалла аҳолисини жалб этган ҳолда кўп қаватли уйлар ва ҳовилларнинг ён-атрофлари, ариқ ва анжорлар, йўлақлар тозаланишмоқда. Маҳаллада тўйларни ихчамлаштириш, ортиқча дабдабасиз ўтказишга ҳам катта эътибор қаратиб келинади. Аҳолининг маънавияти, маърифатини юксалтириш, кўҳна ва бетакрор обидаларимиз билан таништириш мақсадида Самарқанд шаҳрининг зиёратгоҳларини кўрсатиш учун ҳар йили сафарлар ташкил этилади.

«Оққўрғон» маҳалласида ҳам бошқа маҳаллалар каби бандлик, саломатлик, таълим каби 5 та секторда ишлар олиб боришмоқда. Қизларимизнинг ҳаё-ибодати бўлишлари, кийиниш одоби, ёшларимизни иш билан таъминлашга, турли салбий ҳолатларнинг юзга келмаслигига эътибор берган ҳолда иш юритилмоқда. Бир йилдан буён «Ораста ёшлар» тўғраги фаолият кўрсатиб келяпти. 9-сонли оилавий поликлиника билан биргаликда иш олиб борамиз. Барча ишларни режалар асосида амалга ошириш мақсадида жамоатчилик кенгаши тузилган.

Фоллар томонидан олиб борилаётган бундай ишларнинг барчаси истиқомат қилаётган аҳоли фаровонлиги қўлайликлардан баҳраманд бўлиши, маҳаллаларнинг янада обод бўлиши йўлидаги саъй-ҳаракатлар эканлигини таъкидлаш жоиз.

САНЪАТИМИЗ ДОВРУҒИНИ ЖАҲОНГА ЁЙИШМОҚДА

Туманда қўллаб-қўстасадорларни тарбиялаб, иқтидорини намоён этиб келаётган таълим масканларидан бири В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ҳисобланади. Жорий йилда мазкур лицей ўзининг 75 йиллигини нишонлайди. Бундай қутлуғ санани таълим маскани жамоаси, ўқувчилар ўзига хос ютуқлар билан қўтиб олишгаётгани қувонарлидир.

В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида ўзбек халқ чолғулари, анъанавий созандалик, торли чолғулар, эстрада чолғулари, пуфлама ва зарбли чолғулар, фортепиано ва бошқа бўлимларда ўғил-қизлар таълим олиб, республика миқёсида ва турли халқаро танловларда қўллаб-қувватлаш кўламини кўлга киритиб келишмоқда.

Масалан, Италияда ўтказилган Халқаро XVII Пьетро Арженто танловида фортепиано йўналишида Камила Гарипова, Фотима Ахмадовалар 1-уринни, Мария Гаврилева 3-уринни эгаллашди. Москвада бўлиб ўтган Халқаро «Musical ART» танловида анъанавий созандалик йўналишида Нигмон Мамамадзонов биринчи, Файзулло Нарзуллаев 3-уринларни кўлга киритишган бўлиши, эстрада хонандалик йўналишида Мадлен Муминова 1-уринга лойиқ топилган. Лицей ўқувчилари орасида бундай нуфузли халқаро танловларда иштирок этиб, гойибликни кўлга киритган иқтидорли ёшлар талайгина. Бундай муваффақиятларга эришишда албатта, лицейнинг жонқуяр устоз-мураббийларининг ҳиссалари беқиёс.

Тумандаги 18-умумтаълим мактабига кираверишдан оқибатда доналаштириш масалаларига катта эътибор қаратилаётгани, янги ўқув йилига катта тайёргарлик қўрилаётгани маълум бўлди.

— Ҳар йили мактаб қошида соғломлаштириш майдончаси иш олиб боради. — дейди мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Жамила Умирзаева. — Жорий йилда ҳам «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида маҳалладаги кам таъминланган оила фарзандлари ва ўқувчиларимиз жалб этилган «Орзу» деб номланган соғломлаштириш майдончаси фаолият юритмоқда. Ўқувчиларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтганидан айниса, оқ-оналар хурсанд бўлишди. Улар учун пойтахтимиздаги маданият ва истироҳат боғларига саёхатлар уюштирилди, турли спорт мусобақалари ташкил этилди. Бундан ташқари болажонларга миллий уйларнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб, биргаликда ўйналди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мактабда «Оила — маҳалла — мактаб» концепцияси бўйича оқ-оналар, маҳалла билан ҳамкорликдаги ишларимиз жуда яхши йўлга қўйилган. Мирзакалон Исмоилий ва «Салор» маҳаллалари фоллари бизга катта ёрдам беришди, улар билан ҳамкорликда ишлаймиш. Биттирувчи ўқувчиларимизнинг 91 нафари пойтахтимиздаги коллеж ва академик лицейларда ўқишларини давом эттиришмоқда.

Мактабда гимнастика, у-ш, теннис, баскетбол, волейбол, рақс тўғараклари фаолият юритилмоқда. Таълим масканининг кўлга ки-

Таълим

ЮРТ КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбияси устувор вазифалар қаторидан ўрин олди. Таъкидлаш жоизки, юртимизда жаҳон андозалари даражасида қад кўтарётган таълим масканларини қўриб, қувонасан, қалбда фахр-ифтихор туйғулари уйғонади.

ритаётган ютуқлари талайгина. Ўқувчилар спорт йўналишида ҳам қўллаб-қувватлашларига эришмоқда. 3-синфда таълим олаётган Шоҳжаҳон Жўраев қарат бўйича Европа чемпионика бўлди. 7-синф ўқувчиси Жасмина Юсупова бадий гимнастика бўйича жаҳон чемпионатида яхши қатнашди, бу йил мактабни битирган Владимир Свечников спортнинг ўқ отиш тури бўйича Осиё чемпионатининг бронза медали соҳибига айланган. «Умид нисол-

лари» спорт мусобақасида мактаб ўқувчилари 2-уринни кўлга киритишди. Бундан ташқари «Истиқлол ёшлари» ҳамда Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ўтказилган «Яшил чирок» қўриқ-танловларида 2-уринни эгаллашган.

Хозирда 2014-2015 йил куз-қиш мавсумига муассаса катта тайёргарлик қўрмоқда. Таъмирлаш ишлари олиб борилиб, ўқувчиларнинг таълим олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Саҳифа материалларини Зиёда РАСУЛОВА тайёрлаган
Ислом Исмоилов олган суратлар

ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИНГ МУҲИМ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Янги қонун ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузурида «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси ташкил этилди. Корхона гаров реестрининг узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш мақсадида интернет тармоғида «www.garov.uz» доменига эга бўлиб, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 12 июндаги «Гаров реестри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Гаров институти янги, энди иш бошлаганини эътиборга олиб, унинг фаолиятини кенг оммага етказиш учун жойларда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда мутахассислар ва гаров реестрига ёзувларни киритиш билан шуғулланувчи бошқа шахслар учун семинар-тренинглار ўтказилмоқда.

— Гаров реестрининг юритилиши банк-моллия хизматларининг ривожланишига хизмат қилади, — дейди «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси директори Шерзод Холиёров. — Гаров реестри кредиторлар ва инвесторларга қарз олувчининг мулки тўғрисида объектив маълумотлар беради. Шу билан бирга, банкларнинг кредит портфелига ижобий таъсир кўрсатади ва кредит бозорининг янада феолаштишига хизмат қилади. Натижада тадбиркорлик субъектларининг кредит ажратиш тўғрисидаги аризаларини қўриб чиқиш муддати қисқариб, ўзаро тўловлар интизомига риоя қилиниши таъминланади.

Қонунга кўра, гаров реестридан фойдаланувчилар гаров реестрига ёзувлар киритишга ва уларни ўзгартиришга, гаров реестридан ёзувларни чиқариб ташлашга, гаров реестридаги ёзувларни излаш ва излаш натижалари бўйича қўчирмалар олишга ҳақли. Бунда барча шахслар, ҳеч бир чекловларсиз гаров реестридан ёзувларни излаши мумкин. Гаров реестрининг қолган функцияларига киришга, жумладан, излаш натижаларига кўра гаров реестридан қўчирма беришга рухсат фақат сайтда шахсий кабинет очган шахсларга берилади. Бунинг учун фойдаланувчидан гаров реестри сайтига электрон ариза бериш талаб этилади.

Шу ўринда фойдаланувчи иборасига қисқача тўхталасан. Фойдаланувчи — гаров реестрини юритувчи ташкилот билан тузилган шартнома асосида унга ёзув киритиш ҳуқуқига эга кредитор, қарздор сифатида қатнашаётган юридик ва жисмоний шахслар, қонунга мувофиқ мол-мулкни тасаруф этиш ва ундан фойдаланишни чеклаб қўйиш ҳуқуқига эга бўлган тергов-суриштирув органлари, давлат солиқ ва боғжона хизмати органлари ҳисобланади. Фойдаланувчи гаров реестрига ёзувлар киритиш бўйича шартнома билан танишиш ҳуқуқига эга. Фойдаланувчи шартнома шартларини қабул қилган вақтдан бошлаб шартнома тузилган деб ҳисобланади.

Гаров реестридан қўзланган асосий мақсад — гаров тўғрисидаги ҳаққоний маълумотларни йиғиш, уларни қайта ишлаган ҳолда фойдаланувчиларга тақдим этиш ҳамда кредиторларнинг гаровга олинган мол-мулкка бўлган устувор ҳуқуқларини аниқлашдан иборат. Қонуннинг 9-моддасида қонунда бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, гаров реестрига ёзувни киритиш вақти ва санаси кредиторнинг қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолларда бошқа кредиторлар ва унинг шахслардан олдин ундирувчи қарздорнинг мол-мулкига қаратишга, бошқа талабларни қаноатлантиришга бўлган навбатини, имтиёзли ҳуқуқини аниқлаш учун асос бўлиши белгиланган.

Мамлакатимизда гаров реестрининг жорий қилиниши гаров муносабатларида мол-мулкларга нисбатан ҳуқуқларнинг очиқлигини оширади. Натижада тадбиркорлик тузилмалари ва фуқароларни молиялаштириш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга ҳамда кредит хавфини камайтирилишига эришилади.

Таъкидлаш жоизки, гаров реестрининг жорий этилиши кредитлар ҳажми сезиларли даражада ўсишига таъсир кўрсатади. Мисол учун, гаров билан таъминланган кредит ажратиш бутун дунёда кенг тарқалган. Чунки гаров мулки банк учун кредит таваккалчилигини сезиларли даражада пасайтирса, қарз олувчи учун қарамонидидаги мол-мулкни гаров қўйиш эвазига қўлай, тез ва мақсимад даражада кредит олишига имкон яратилади.

Бундан ташқари, гаров реестри кредит қайтарилишига кафиликка эҳтиёж қолдирмайди. Қарз олувчининг мулки бозор қиймати ҳисобига нисбатан кўпроқ ва узок муддатга, қўлай шартларда кредит олиш имконини беради.

Муҳтасар айтганда, мамлакатимизда гаров реестри институтининг жорий этилиши гаров муносабатларини такомиллаштириб, кредитор ва қарз олувчи ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни қучайтиришга хизмат қилади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири



Ёз болажонларнинг энг сеvimли фасли ҳисобланади. Улар бу фаслда мириқиб ўйнайдилар, қувнаб дам оладилар. Таътил кунларини сўлим оромгоҳларда мазмунли ва мароқли ўтказётган фарзандларимизнинг қалблари бир олам қувончга, фахр ва ифтихор туйғуларига тўлиқ. Дам олиш масканларида эса улар учун турли мавзудаги тадбирлар, давра суҳбатлари ва концерт дастурлари мунтазам равишда уюштирилмоқда.

Мирзо Улуғбек тумани Маънавият ва маърифат Кенгаши, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, «ТТЗ» ОАЖ корхонаси ҳамкорлигида Тошкент вилоятидаги «Белдерсой» номидаги соғломлаштириш оромгоҳида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Сенга содиқ фарзандмиз Ватан!» деб номланди.

— Мазкур байрам тадбири Истиклолимизнинг йигирма уч йиллиги ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, болажонларнинг ҳар томонлама яратилган шароит ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда дам олишларини таъминлаш борасида қилинаётган сай-ҳаракатларнинг бадий, ижодий бир кўринишидир, — дейди Республика Маънавият тарғибот марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими раҳбари Дилафрўз Жуманиёзова биз билан суҳбатда. — Бундай ижодий жараёнлар болалар дунёқарабини замон талабига мос даражада шакллантириш, фикрлаш доирасини кенгайтириш, орзу-умидлар билан улғайиб келаётган ёш авлоднинг бахтиёр болалигини янада завқли ва мазмунли ўтишини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, таълим жараёнида янгича педагогик технологиялардан унумли фойдаланишни таъминлашни ҳам ўзида мужассамлаштиради.

Дарҳақиқат, ёшлар маънавий дунёсини бойитиш, тафаккурининг теранлашувини ошириш, Ватанга бўлган меҳр ва муҳаббат туйғусини шакллантириб боришда бу каби тадбирларнинг аҳамияти муҳимдир.

«Белдерсой» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўтказилган тадбир ҳам ана шундай эзгу мақсадлар йўлидаги хайрли ишлардан биридир. Тадбирнинг қизиқарли ва файзли ўтишини таъминлашда туман маданият ва спорт ишлари бўлимининг хиссаси катта бўлди.

Хушовоз хонандлар ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқларга йўрилган байрам дастури барчага манзур бўлди. «Белдерсой» оромгоҳида фаоллик олиб бораётган рақс гуруҳининг чиқишлари йиғилганларда хуш кайфият уйғотди. Концертда болажонлар «Андижон полкаси», «Байрамингиз муборак», «Омонёр» номли жозидарҳақиқат, ёшлар маънавий дунёсини бойитиш, тафаккурининг теранлашувини ошириш, Ватанга бўлган меҳр ва муҳаббат туйғусини шакллантириб боришда бу каби тадбирларнинг аҳамияти муҳимдир.

Хушовоз хонандлар ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқларга йўрилган байрам дастури барчага манзур бўлди. «Белдерсой» оромгоҳида фаоллик олиб бораётган рақс гуруҳининг чиқишлари йиғилганларда хуш кайфият уйғотди. Концертда болажонлар «Андижон полкаси», «Байрамингиз муборак», «Омонёр» номли жозидарҳақиқат, ёшлар маънавий дунёсини бойитиш, тафаккурининг теранлашувини ошириш, Ватанга бўлган меҳр ва муҳаббат туйғусини шакллантириб боришда бу каби тадбирларнинг аҳамияти муҳимдир.

бали куй-қўшиқлар ва дилбар рақсларни маромига етказиб ижро этдилар.

— Мен оромгоҳда ўтаётган ҳар бир кунимни болагимнинг энг гўзал дамлари дея айтгим келади, — дейди Ҳамза туманидаги 166-мактабнинг олтинчи синф ўқувчиси Ширин Одилова. — Бу ерда биз учун барча қулайликлар яратилган. Турли хил тўғаракларга қатнашамиз, спорт мусобақалари ва концерт дастурларини уюштирамиз, кўнгилочар ўйинлар ўйнаймиз, китоблар мутолааси, сузиш машқлари — барча-барчаси жуда мароқлидир. Бир сўз билан айтганда бахтли болалиқнинг энг беғубор кунларини бошимиздан кечиряпмиз.

Мазкур соғломлаштириш оромгоҳига ташрифимиз доирасида болажонларнинг қувноқ кулгулари, кўзларидаги бахтиёрлик учкунларида она Ватанимизга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиромни кўрдик. Энг асосийси, қалбларимиз қувончга тўлди, дилларимиз болалиқнинг беғубор олампидан энтикди. Кўнглимизда эса юртга шукроналик туйғулари янада ортди.

Тадбир сўнида концерт дастурида фаол қатнашган болажонларга эсдалик совғалари топширилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар
Ислом Исмоилов олган суратлар

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК МЕВАЛАРИ

Шаҳримиздаги А. Ҳидоятлов номидаги Ўзбек драма театрида «ЭКОСАН» халқаро экология ва саломатлик хайрия жамоат фонди ташаббуси билан Ўзбекистон Байналмилал маданият маркази, Республика Қозоқ миллий маданият маркази ҳамкорлигида «Биз — бир халқмиз» шиори остидаги тадбир ўтказилди.

Тадбир аввалида театр фойеида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Чинор» экологик ноширлик компанияси ва «ЭКОСАН» нашр эттирган экологияга оид адабиётлар ва плакатлар кўргазмаси, кинорежиссёр Ғиёс Шермухаммедовнинг «Мерос» киностудиясида суратга олинган, ўзбек-қозоқ миллатларининг азалий дўстлигини тараннум этувчи «Биз бир халқмиз» ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Анжуман иштирокчиларини Ўзбекистон Байналмилал маданият маркази раҳбари Насриддин Муҳаммадиев ва Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистонда Фавқулодда ва мухтор элчиси Бўрибай Жексембин яқинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги билан қизгин кутладилар.

«ЭКОСАН» фонди бўлим бошлиғи Собиржон Абдуллаев «Миллатлар дўстлиги ва экологик маданият» мавзусидаги маърузасида таъкидлашча, Ўзбекистон ва Қозоғистонда иқтисодий-ижтимоий жараёнлар ушбу давлатларнинг ўз модуллари асосида, изчиллик билан амалга ошириб келинаётган. Жумладан, мустақиллик йилларида экологик масалаларни биргаликда ҳал этишга қаратилган фаолият ҳам самарали бўлиб, бу Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлган маҳобатли Айдарқўлнинг икки

давлат ўртасидаги шартнома асосида, ушбу сув ҳавзаси шўрининг кўпайиб кетмаслиги учун, мунтазам ҳолда Чордара сув омборидан сув ўтказиб турилиши ҳамда ушбу табиат ўчоғи ва Қозоғистондаги Оқсу-Жабоғли давлат қўриқхонаси ва Олой тоғлари орқали уланб кетган Ўзбекистондаги Угам-Чотқол биосфера миллий боғидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш бўйича ҳамкорликдаги ишларда намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Қозоқ миллий маданият маркази раиси Марат Укибоевнинг «Миллатлар дўстлиги — тинчлик тимсоли» мавзусидаги маърузасидан сўнг, йиғилганлар Жанубий Қозоғистон вилоят Ўзбек драма театрининг раҳбари Икромжон Ҳошимжонов бошчилигида келган 36 нафарлик труппанинг ўзбек драматурги Илҳом Зойирнинг «Қарз» спектаклини мароқ билан томоша қилишди.

Айниқса, тадбиркор Мирсоат Мирсолиев ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, танikli шоир Мирпўлат Мирзозиннинг қозоғистонлик санъаткорларни Тошкент бўйлаб, ўзбек элидаги бунёдкорлик ишлари, ҳаётига ранг-баранг жило бериб турган истироҳат боғлари, салқин ва баҳаво фавворалари саёҳатига чорлагани эсдан чиқмайдиган ҳолат бўлди.

Миркарим
МИРСОВУРОВ

Кишиларга меҳр ва мурувват кўрсатиш, ночор ва хасталарнинг кўнгилларини олиш, уларга ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш халқимизнинг азалий қадриятларидан ҳисобланади. Зеро, бу дунёнинг эзгулиги, хайру савоби ҳам шундадир. Миробод туманидаги шаҳар руҳий касалликлар клиник шифохонасида ҳам меҳр ва муҳаббатга муҳтож бўлган саккиз мингга яқин хаста беморлар даволанади.

Саховат

КўНГИЛЛАРДА МЕҲР-МУРУВВАТ АРИМАСИН

Яқинда Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ушбу шифохонада «Кўнгилларга дармон бўлайлик» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда шаҳримиздаги барча туманлар хотин-қизлар қўмиталари раислари, Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар бўлими вакиллари ва бошқалар иштирок этди.

— Аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий қўмоқлаш, ҳар томонлама қўмак бериш, маънавий жиҳатдан қўллаш инсоний-

лик фазилатларининг энг хайрлисидир, — дейди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова. — Зеро, халқимизда «Бирни кўриб шукр қил, бирни кўриб фикр қил» деган доно мақол бежизга айтилмаган. Биз яшаётган ҳар бир кунимизга шукроналар келтиришимиз баробарида, қалби, вужуди хаста бўлган инсонларга қўмак бермоғимиз лозим. Инсон яшар экан эзгуликка интилади, ўзидан яхши ном қолдиришни ният

қилади. Шундай экан, қалбларимиз ҳаммаша меҳр-муҳаббатга тўлиқ бўлсин. Ёшларимизга шукроналик билан яшашни, ҳаёт деб аталмиш неъматнинг қадрига етишни ўргатишимиз лозим.

Дарҳақиқат, хайрли ишлар эзгулик ва яхшиликка хизмат қилади. Мазкур шифохонадаги тадбир доирасида ёрдамга муҳтож беморларга доимий равишда хайр-саховат кўрсатиш ишларини олиб бориш режалари белгилаб олинди.

Гулнигор САТТОРОВА

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод туман Кенгаши томонидан «Гийҳвандлик — аср вабоси» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

ЁШЛАРНИ АСР ВАБОСИДАН АСРАЙЛИК

Сардорлар Кенгаши аъзолари ҳамда фаол ёшлар иштирок этган тадбир ўсиб келаётган ёш авлодни гийҳвандлик иллатидан асраш, барқамол, ватанпарвар, юксак маданиятли, миллий қадриятларни эъзозлайдиган етук ёшларни тарбиялаш, гийҳвандлик оқибатида ОИВ/ОИТС, жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг кўпайиши олдини олиш мақсадида ўтказилди.

Тадбирда ёшларга мутахассислар томонидан чекишнинг зарарли оқибатлари, инсон соғлиғига қанчалик хавф солиши ва

гийҳвандликнинг салбий иллатлари ҳақида маълумот берилди.

Бундан ташқари Сардорлар Кенгаши томонидан тайёрланган деворий газеталар намойиши бўлиб ўтди. Деворий газеталарда ўсмирлар салбий иллатларга қарши курашиш муҳимлиги, соғлом турмуш тарзига амал қилиш лозимлигини таъкидлашган.

Давра суҳбати давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.

Зафар НАЗАРОВ

Тиббиёт

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Истиқлол шарофати билан юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида ўзига хос ислохотлар амалга оширилмоқда.

Тобора яқинлашиб келаётган юртимиз Мустақиллигининг 23 йиллик байрамига тўғна сифатида шахримиздаги Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти клиникасининг бунёдкорлар томонидан барча қулайликларга эга ҳолда бунёд этилган янги биноси фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари шифохонада 20 ўринли болалар урологияси бўлими ҳам фаолият бошлади.

ЯНГИ БЎЛИМ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Шаҳримиздаги 1-сонли болалар шифохонасида ҳам оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш мақсадида кенг қўламли ишлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Жумладан, энг улуг, энг азиз байрам бўлими юртимиз Мустақиллигининг 23 йиллигига тўғна сифатида мазкур шифохонада янги Диагностика бўлими ташкил этилди. Бемор болаларга аниқ ва тўғри ташхис қўйиш мақсадида ўз фаолиятини бошлаган мазкур бўлим замонавий тиббий жиҳозлар ва ускуналар билан таъминланган.

(Ўз мухбиримиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Бадий академияси тасаруфидидаги Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати 2014-2015 ўқув йилига 2007 йилда тузилган иқтидорли ўғил ва қиз болаларни тасвирий санъат ва мусиқа йўналишлари бўйича танлов асосида

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Аризалар 2014 йил 1 августдан 10 августгача қабул қилинади.

Қабул имтиҳонлари 11 августдан бошланади.

Мазлими: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 1А-уй.

Автобуслар: 2, 8, 33, 41, 77, 87, 182, 141, 135.

Йўналишли таксилар: 128, 127, 18, 182.

Қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг: 274-92-21, 274-96-45, 274-96-44.

ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фуқаро (ташкilot)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора-тадбирлар қўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «ишонч телефони» тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21. Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти



**ҲУРМАТЛИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ
АБОНЕНТЛАРИ!**

Телекоммуникация тармоғида рақамлаш тизимини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида, 2014 йил 24 сентябрдан бошлаб 1 октябргача Тошкент шаҳри «ТШТ» филиали тармоғида шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларни амалга ошириш учун рақам териш қоидаларни ўзгартириш бўйича ишлар олиб борилади. Ишлар якунига етганидан сўнг шаҳарлараро алоқага чиқиш кўнғироқларини амалга ошириш учун «8» рақами ўрнига «0» рақамини, халқаро алоқага чиқиш кўнғироқларини амалга ошириш учун «8-10» рақами ўрнига «00» рақамини териш йўли билан алоқа амалга оширилади.

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясидан 2010 йил 21 майда №000158 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «Меҳр кўрсатиш» Давлат унитар корхонаси (ИНН:204883334) тугатилди. Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +998983685589

